## НАВОИЙ кимга қарайди?

*У ерда “Алишер Навоий 1441-1_01” деган ёзув бор, “5” рақами тушиб қолган. Сал нарида бўш шиша қаққайиб турибди, “Қибрай” деб ёзиб қўйилган. Сигарет қутилари, қолдиқлари кўзга ташланади. Театр ўриндиқларининг тагига-ку қарамай қўяверинг. Кўзингиз тушадиган манзара шиша синиқлари, қоғоз парчалари ва шунга ўхшаш ахлатлар. Бутун бир ичимлик шишалари коллекцияси: “Балтика”, “Қибрай”, “Сибур”, “Ақуа”...*

2-бет

## ЯШАНГ, ДОКТОР ХОНГ!

*Хонг қаҳ-қаҳ отиб кулиб, “Мен қўл кесмайман. Аксинча қўл ясайман”, деди. Ҳамшира кириб докторга бир мижоз келганини айтди. Хонг узр сўраб, муолажа хонасига чиқиб кетди. Қизиқиб орқасидан бордим. Столда тайёр “қўл” ва “оёқ”лар устига оппоқ чойшаб ёпиб қўйилган эди. Хонг менга ишора қилиб, ўтиришга изн берди.*

3-бет

## ТЕЛЕВИЗИОН КИНО ДОВОН ОШДИ

*Ҳозирги кўпдан-кўп мелодраммалар — кўп серияли видеофильмларни таҳлил қилиш, холис баҳолашда сийловга йўл қўймаслик, бадиийлик мезонларига ҳеч хиёнат қилмаслик зарур кўринмайдими?! Ахир “Анна Каренина” ҳам мелодрамма, Жанубий Америкада яратилган кичик экран асарлар ҳам шу жанр талабларига биноан ижод этилмоқда, деб даъво қилинмоқда.*

4-бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan  E-mail: hurriyat@yandex.ru  № 2 (464)  2006-yil 18-yanvar


**«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади**

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

*Нашр кўрсаткичи — 233*

### Эътироф

## БИР ГАЗЕТА ШАРҲИ




Ҳозирги ахборотлашув ва тезкор коммуникация даврида кунига турли шаклдаги оммавий ахборот воситалари очилиб-ёпилиб турибди. Шундан айримлари замон талаби ва рақобатга чидаш бермай фаолиятларини тўхтатмоқда. Шундай бир пайтда Чортоқ туманининг олис Тошқўрғон қишлоғида бир гуруҳ ўқитувчилар томонидан асос солинган “Эртакчи — репетитор” интеллектуал-маърифий газетаси очилаётганини эшитганимда мен ҳам бу нашрни “яшаб кетиши”га ишонмаган эдим. Аввало, бу газетани турли ёлғон-яшиқ, пардасиз, тўқима ҳикоя ва қиссалар билан минглаб мухлислар орттираётган сариқ матбуотга ўхшатиб хато қилдим. Кейин газета илгари сураётган ғоя билан танишиб, болаларга унитилган эртакларни эслатиш, мураккаб тест ишланмаларини тушуниш ва ҳакозаларнинг бари тор доирада деб адашибман. Чунки, бу газетани содда, қайтариқ сканвордларни ечиб ўтирадиган бир гала бозорчилар расталарга ёнбошлаб ўқийдиган, десак нотўғри бўлар экан.

Бу нашр тест саволларини осон ечиш усулларини ҳам ўргатади. Тест саволларини тўтидек механик шаклда қабул қилаётган ўқувчига бошқа методлар орқали тестларни тушунтириб билимини чуқурлаштиради. Масалан, Сирдарё фалон асрда нима деб номланган, кейинги асрда фалон деб аталишига нима ёки қандай тарихий воқеа сабаб бўлган?.. Ҳа, “Эртакчи — репетитор” ана шу саволларга жавоб бериб ўқувчини “тортиб” олади. Газета нафақат ўқувчини, балки ўқитувчи-муаллимларнинг ҳам билимини чуқурлаштириб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак, ушбу нашрнинг адади борган сари кўпайиб бормоқда. Ҳа, олис қишлоқларда ҳам чўғи ўчмайдиган хонадонлар бор. Улар узоқ вақтлар нур таратувчи юлдузлар мисоли элимизга илму ирфон тарқатмоқда.

**Шукур ЖАББОРОВ**




***Азиз ижодкор дугоналар!***

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга қаратилган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Журналист хотин-қизлар ҳаётимизнинг жўшқин лаҳзаларини қаламга олиб, муаммолар ечими ҳақида ўйламоқдалар.

Халқимизга манзур бўладиган, юртимиз келажагини мадҳ этадиган бадиий-публицистик, таҳлилий асарлар кўпайса, маънавий бойлигимиз юксалади. Зеро, “Атиргул” танловининг мақсади айнан шунга қаратилган.

Танловда республикамизнинг барча оммавий ахборот воситаларида ишлаётган ҳамкасб дугоналаримиз иштирок этишлари мумкин. Танловга ОАВда (жумладан, радио ва телевидениеда) 2005 йил мобайнида эълон қилинган ижодий ишлар тақдим этилади. Материаллар 2006 йилнинг 1 мартига қадар қабул қилинади. Ғолиблар 8-Март Халқаро хотин-қизлар куни арафасида аниқланади.

**Танловга марҳамат!**

**Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва мукофотлар билан тақдирланадилар.**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги “Журналист аёллар клуби”.**


*Манзилимиз:* ***700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.***

*Телефонлар:* ***144-37-87, 144-69-65***


### Қадрият

## ЭРТАКЛАР ҚАЙ ЙЎЛГА ЕТАКЛАЯПТИ?

*Болалик кунларимда,*
*Уйқусиз тунларимда*
*Кўп эртак эшитгандим*
*Сўйлаб берарди бувим...*

**(Ҳамид Олимжон)**

Мен ҳам болалигимда кўп эртак эшитардим. Онам мени ухласин деб эртак айтсалар, қайтанга эртакдан таъсирланиб, уйқум қочиб кетарди. Онамни саволга тутардим:

— Нега тулки қопқонга тушиб қолди?

— Бу унга жазодир. У ҳаммани алдагани учун ўзи ҳам тузоққа илинди.

— Эртак нега бунақа тугади? Чумоли қандай қилиб бойиб кетди?...

— Чунки у меҳнаткаш. Тошбақага ўхшаб дангасалик қилмагани учун мурод-мақсадига етди.

Саволларим тугамасди. Эшитадиган эртакларимнинг аксарияти мажозий ва саргузаштларга бой бўлишига қарамай, уларга худди ён-атрофимда содир бўладиган воқеалардек ишонардим. Ҳозир ҳам ишонаман. Чунки ҳар қадамимизда маккора тулкилар, беғам тошбақалар, очкўз бўрилар ва ёвуз аждаҳоларни ҳам учратиш мумкин. Кичкиналигимда эртаклардаги воқеаларга ишонганим каби ҳозир ҳам китоб ўқиб таъсирланаман, воқеалар мушоҳада қилишга мажбур қилади. “Кўп китоб ўқисам, балки ҳаётимда хатоликларга йўл қўймасман”, деган гапим кўпчиликка эриш туюлади, ҳали мен тушуниб етмаган ҳаёт китобдагидан мутлақо бошқача эканлигини айтишади.Балки, улар ҳақдирлар. Лекин барибир мен дунёни китоблар орқали кўришдан роҳатланаман. Бу қизиқиш балки ўша — болалигимда эшитган эртакларим таъсирида уйғонгандир. Болалар адабиёти чиндан-да гўзал ва беғубор. Улардан баҳраманд бўлиш учун ҳам болалик йилларимга қайтиб қолишни жуда хоҳлардим. Ёш болаларга ҳавасим келади. Уларга ҳавас билан қарашларим чоғида кўп бора оналарнинг фарзандига эртак айтаётганининг гувоҳи бўламан. Бироқ улар болалигимда онам айтган, мен эшитган эртакларга ўхшамайди.

Кўзи уйқуга кетиб қолаётган келинчак боласига эртак айтмоқда:

— Хуллас, (эртакнинг бошланиши ажойиб!) ўрмонда кетаётганида олдидан катта айиқ чиқиб қолибди. Кейин у орқасига қараб қочиб кетибди.

Болакайни билмадим-у, лекин мен кимнинг олдидан чиқиб қолган, нега қочиб кетган — ҳеч нарсага тушунмадим.

Эртак давом этади:

— Югуриб кетаверибди, адашиб қопти, кейин нима қилишни билмай, йиғлаб ўтираверибди.

— Айиқ кетидан қувлабдими? — дейди болакай митти кўзларини онасига тикиб.

— Жим эшитсанг-чи, адашиб кетаман. Ҳм... Кейин йиғлайверибди, уни ҳеч ким эшитмабди. Олдида ҳеч ким йўқ экан.

— Кейин нима бўпти?

— Бўлди, тамом. Энди ухла.

Бундай эртаклар болани бир зум чалғитиш учун айтилса керак. Улардан ҳеч қандай маъно чиқариб бўлмайди. Ёш бола нимани ҳам тушунарди, дерсиз. Лекин тарбиялашдаги энг муҳим восита ана шу эртакларку. Наҳот болага гапириб ёинки урушиб тарбиялаш эртаклардан кўра самаралироқ натижа берса?

Ҳозирда болалар учун чиқарилган эртак китоблар жуда кўп. Айниқса, болаларни ўзига тортадиган расмли китоблар сероб. Китоб дўконларини айланар эканман, “Сариқ девни миниб”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Ўн беш ёшли капитан” каби китоблар турган раста олдидан кетолмайман. Ёшлигимда шу китобларни қаердандир излаб топиб ёки бировлардан олиб, йиртилган варақларини тўғрилаб ўқигандим. Ҳозир ўша китоблар қалин муқова, тиниқ қоғозларда нашр қилинган, лотин ёзувида. Уларни ҳаяжон билан варақлар эканман, яна ўқигим келади. Устимдан кулишларидан қўрқаман, холос. Чунки энди бу китобларнинг эгаси мен эмас, болалар. Китобни олган жойимга қайтиб қўяр эканман, менинг ҳавасимни келтираётган болалар қўлига бу китоблар етиб борганмикин ёки улар “Покемон”, “Папай”, “Анпанман” кабиларни афзал кўришяптими, деб ўйланиб қоламан. Ҳозирги болалар томоша қилаётган мультфильмлар ҳам тамоман бошқача. Баъзи мультфильмлар бошидан охиригача урушишдан иборат бўлса, баъзилари ёш болаларга мўлжалланганми ёки катталарга, умуман ажратиб бўлмайди. Деярли барча болалар оғзида достон бўлган “Шрек” бунга мисол бўлади. Айниқса, унинг ўзбек тилига “Широқ” номи остида таржима қилинган варианти бачканаликдан ўзга нарса эмас.

Тарбия — нозик масала. Унинг қоидаси ҳақида бир нима дейишга ҳар ким ҳам ожизлик қилади. Аммо “Эртаклар — яхшиликка етаклар” нақли бежиз эмас. Эртаклар доимо тўғри йўлга етаклайди, фақат унинг ўзи тўғри бўлса бас.

**Дурдона АЛИМОВА**

### Жараён

## ИНТЕРНЕТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИМИ?

***Интернетдан мунтазам фойдаланиб келаётганлар сарлавҳада қўйилган саволга ижобий жавоб бериши аниқ. Чунки веб-сайтлардан газета, радио, телевидение каби керакли ахборотни олиш имкониятига эгамиз. Аммо бутун бир Интернет тармоғини ОАВ сирасига киритиш мумкинми? Интернетнинг ҳуқуқий мақомига қанчалик аниқлик киритилган? Тармоқда эълон қилинаётган материалларнинг ҳаққонийлиги қай даражада? Ёлғон, туҳмат, шахснинг камситувчи, унинг шаъни ва қадр-қимматига тегадиган хабарни тарқатган муаллиф ёки веб-сайтнинг жавобгарлиги масаласи қандай ҳал этилади?***

Мамлакатимизда Интернет йилдан-йилга оммалашаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, юқоридаги ва уларга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб топиш муҳимлиги ўз-ўзидан равшандир.

Бутун бир Интернетни тўласинча ОАВ қаторига киритиш тўғри эмас. Чунки Интернет марказлашган ягона ахборот воситаси бўлмасдан, турли хилдаги, шу жумладан, оммавий ахборот воситаси вазифасига эга тузилмаларни ҳам ўз ичига олувчи муҳитдир.

Интернетда мақсади фақат ахборот, аниқроғи ижтимоий аҳамиятга молик ахборот тарқатиш бўлмаган сайтлар ҳам мавжуд. Булар — турли маҳсулот ва хизматлар таклиф қилувчи тижорат йўналишидаги сайтлар, тармоқда ахборот излашга ёрдамлашувчи қидирув тизимлари, электрон кутубхоналар ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида «газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радио эшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир», деб белгиланган. Кўриниб турганидек, номи тилга олинган ахборот воситаларидан бошқалари учун Қонунда асосий мезонлар доимий номга эга бўлмоқлик, даврийлик ва оммавийликдир.

Интернетда эса ушбу тушунчалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Газетанинг бир ҳафтада неча марта чиқишига қараб, унинг даврийлигини билиш мумкин. Лекин веб-сайтда бундай даврийлик бўлмайди, чунки маълум муддат орасида веб-сайт тўласинча янгиланмайди. Фақат унинг материалларидан бир қисми янгиланиб турилади. Шу сабабли бу ерда даврийлик ўрнига бошқа тушунча — ахборотни янгилаш муддатини киритиш мумкин. Бунда албатта, қандай кўламда ва қайси муддат ичида материалларни янгилаш масаласига аниқлик киритиш зарур. Чунки ойлар давомида янгиланмайдиган сайтни ОАВ қаторига қўшиб бўлмайди.

Оммавийлик тушунчасига келсак, у бироз мавҳумроқ эканлигини тан олиш керак. Оммавий деб ҳисоблаш учун газета тиражи қанча бўлмоғи лозим? Бизда 200 мингта чиқаётган газета ҳам, 2 мингта чоп этилаётгани ҳам бор. Айрим вилоят ё туман газеталаринингададини гапирмаса ҳам бўлади. Уларга қараганда баъзи веб-сайтларнинг мухлиси анча кўпроқ.

ОАВ технологиялари соҳаси мутахассисларининг айримлари Интернетнинг кенг тарқалиши анъанавий ОАВнинг мавқеини сусайтирди, деган фикр билдиришмоқда. Аксарият муаллифлар эса бу фикрга қўшилмасдан, Интернет газета радио, ТВни сиқиб чиқармасдан ўз ўрнини топиб олмоқда, дейишмоқда.

Бу борада бошқача фикр ҳам мавжуд. Унга кўра матбуот ва Интернет бир-бирига рақобатчи бўлмасдан, ўзаро ҳамкорлик йўлларини ахтариши керак.

Масаланинг муҳим томони шундаки, Интернет-газета эгалари 3-4 йилдан сўнг уларнинг нашрлари қандай кўринишга эга бўлишини тасаввур ҳам қилишолмайди. Чунки интернет-газета ОАВнинг бошқа турларига қараганда кўпроқ юқори технологиялар тараққиёти билан боғлиқ. Шу кунлардаги интернет-газета ўзининг қоғозда чоп этилаётган «акаси»га ўхшаган, эрта-индин эса юқори технологиялар веб-материалларни овоз билан ҳамда митти веб-камералар орқали видеотасвирларни ҳам қўшиб узатиш имкониятини кенгайтиради. Тўғри, овоз ва тасвир Интернет орқали ҳозир ҳам узатилмоқда. Лекин ҳозирча улар том маънодаги интернет-ОАВга асос бўла олгани йўқ.

Интернет-ОАВ фақат ахборот етказиш билан чекланмасдан, коммуникация ўрнатишга, яъни ахборот олувчининг фикрини ўша заҳотиёқ билишга ва шунга қараб материал мазмунига ўзгартириш киритишга имкон яратди.

Интернет-журналистика матбуот , радио ва ТВ билан биргаликда жамиятнинг информацион сиёсатини белгилайди. Унинг ривожланиши ОАВнинг бошқа турлари билан ўзаро алоқадорликда амалга оширилади.

Интернетнинг пайдо бўлиши билан оммавий ахборотни тайёрлаш ва етказиш шароитлари ўзгарди. Биринчидан, оммавий ахборотни тайёрлаш фақат профессионал журналистлар жамоасига хослик хусусиятини йўқотди. Иккинчидан, оммавий ахборот бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иккита қисмга ажралди. Улардан бири ахборот узатиш, иккинчиси уни қабул қилиб олиб, ўша заҳоти жавоб бера оладиган қисмидир. Шундай қилиб, оммавий ахборот оммавий коммуникацияга айланди. Учинчидан, ахборот гиперматн тузилишини олди. Яъни бир матнни ўқиб туриб, унинг мавзусига яқин бўлган бошқа матнларга ўтиш имконияти туғилди. Маълум бир мавзу бўйича материал излаган одам Интернетдан кўплаб бошқа материаллар билан танишиши мумкин.

Шу ўринда яна таъкидлаш жоизки, Интернет анъанавий ОАВга нисбатан қатор устунликларга эга. Интернет:

— бир йўла матн, тасвир ва овозни бирлаштириб етказиш имкониятига эга;

— ҳар қандай керакли ахборотни алоҳида шахс ёки бир гуруҳ шахсларга бевосита етказиши мумкин. Натижада ўқувчиларнинг эҳтиёжи ва хоҳишини инобатга олиш имконияти туғилади;

— интерактивлик хусусиятига эга. Яъни у анъанавий ОАВ сингари монолог эмас, балки диолог тарзида ишлайди. Хоҳлаган киши Интернет хабарига ўша заҳотиёқ ўз муносабатини билдириши мумкин;

— ахборотни тезлик билан етказиш имкониятини яратди.

Ғарб тадқиқотчиларидан Маршал Маклюэн «Воситанинг ўзи хабардир» номли китобида замонамиз воситаси (ёки технологик жараёни) бўлган электрон техника ижтимоий ўзаро боғлиқликка янги шакл беришини ҳамда у ва шахсий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини ўзгартиришини таъкидлаган эди. У электр билан «ўраб олинган» ер курраси қишлоқдан катта эмас, деган эди. Унинг бу сўзларига асосланиб, мутахассислар Маклюэн глобал қишлоқ ғоясини билдирган эди, деб таъкидлашмоқда.

Интернет аниқ бир ҳуқуқий маконда фаолият юргизмайди. Унга хизмат қилувчилар, яъни уни техник жиҳатдан таъминловчилардан тортиб муаллифлару фойдаланувчиларгача турли мамлакатлардаги тегишли қонунлар субъектлари ҳисобланишади. Интернетда берилаётган материалларни ноқонуний ёки зарарли мазмуни турли давлатларда турлича талқин этилади. Мазмуннинг зарарлилиги ҳар бир мамлакат анъаналаридан келиб чиққан ҳолда баҳоланса, ноқонунийлиги мавжуд қонунчилик асосида белгиланади.

Айрим мамлакатларда провайдерлар ўзини-ўзи чекловчи воситалар жорий қилишган эди. Масалан, Буюк Британияда саноатчилар ташаббуси билан Ахлоқ кодекси қабул қилинди. Бир қатор давлатлар қонунчилиги агар провайдер берилаётган материалнинг ноқонунийлигидан хабар топса, тегишли чора кўриши зарурлигини белгилаб қўйган.

**(Давоми 2-бетда)**

### Тадбир

## ВАТАНПАРВАРЛИК БАЙРАМИ

***Тошкент иқтисодиёт коллежида “Ватан ҳимоячилари куни” байрами ўзига хос тарзда нишонланди.***

Коллежнинг “Банк иши” ҳамда “Халқаро бизнес” йўналиши талабалари тўлдириб ўтирган залга мусиқа садолари остида Ўзбекистон байроғи олиб кирилди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янгради. Тадбирни молия-35 гуруҳи талабалари бошлаб беришди. Шундан сўнг байрам учрашувига таклиф этилган азиз меҳмон, Ватан уруши иштирокчиси Ёқубжон Холматовга сўз берилди. Ё. Холматов ўзи гувоҳ бўлган ва бошидан ўтказган воқеаларни тўлқинланиб сўзлаб берди. Ватан урушида ғалабага осонлик билан эришилмаганлиги, ўша оғир йилларда Ватан озодлиги, юрт тинчлиги учун минг-минглаб ёшлар жон олиб, жон берганликларини ўқувчилар яна бир бор ҳис этдилар.

**Зебо АБДУҚОДИРОВА**

### Шикоят

## МАЛЛАЕВГА ОПЕРАЦИЯ ҚИММАТГА ТУШДИ

***ёхуд уч йилдан буён адолат ахтараётган фуқаронинг изтироблари***

Самарқанд шаҳар Гусаинов кўчаси 82-уйда истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Қурбонали Маллаев 2003 йилдан буён турли идораларга тинимсиз мурожаат қилади. У киши ҳақида гап айтишдан олдин бизга қилган мурожаатларига бир қулоқ солайлик:

“2003 йил ноябрь ойининг бошида Самарқанд тиббиёт институти профессори А. Юсуповнинг кўз касалликлари бўйича фаолият юритаётган хусусий офисига кўриш қобилиятим пасайгани бўйича маслаҳат ва амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Чунки ўша пайтда ҳайдовчилик қилардим, хиралашган кўз билан машина ҳайдаш осон эмас. Профессор кўзларимни кўриб бўлгач, СамПИ клиникасига боришимни, у ерда ўзи даволашини айтди. Мени клиниканинг кўз касалликлари бўлимига жойлаштирди. Жарроҳлик амалиёти Самарқанд Давлат тиббиёт институти клиникаси кўз касалликлари бўлими шифокори Ж. Сафаров ва профессор А. Юсупов мени ҳеч қандай огоҳлантирмасдан, операция олди текширувларини ҳам чалачулпа ўтказиб жарроҳлик қилишди. Мен буни кўриб, дардим енгил экан-да деган хаёлга бордим. Янглишган эканман. Шифокор Ж. Сафаров ҳамда профессор А. Юсупов томонидан лазер коагуляция жарроҳлиги амалга оширилганидан сўнг кўзларим равшанлашиш ўрнига, аксинча иккаласидан ҳам батамом ажралиб қолдим. Оилавий аҳволимни, кетма-кет ёғилган мусибатларни айтмай қўяқолай.

Кўп ўтмай англаб етдимки, мен ўз касби масъулиятини ҳис қилмайдиган инсон тақдири билан ҳазиллашишдан тап тортмайдиган, лекин оппоқ халат кийган кишилар қўлига тушиб қолган эканман. Мен бу билан дардимни, муаммоларимни дастурхон қилмоқчи эмасман. Лекин шуни истардимки, мен содда бир ҳайдовчи дуч келган кимсаларга, мен йўлиққан сансоларликларга бошқалар йўлиқмасин. Ҳаётда ҳийлакорлик, алдов, тониш, қалбакилик, туҳмат, ўзаро тил бириктириш каби ҳолатлар учраб туришидан бошқалар огоҳ бўлсин...

Кейинчалик билсам, мени операция қилишдан аввал тиббий текширувдан, жумладан, қонимни лаборатория таҳлилидан ўтказишлари лозим экан. Жарроҳлар эса бундай қилишмади. Улар икки кўзимдан ажралиб бўлганимдан кейингина ўз хатоларини, яъни менда қандли диабет хасталиги мавжуд эканлигини билиб қолишди. Ва менинг касаллик варақамни ўз операциялари оқибатларига мослаб қайта тайёрлашди. Сабаби йўл қўйилган хатони тузатиб бўлмас эди. Ташхисимни ҳам операцияга қадар айтишмади. Кейинроқ: “Диабетик ретинопатиянинг пролифератив стадияси иккала кўзда” дейилган ташхис қўйилган.

Республика Соғлиқни сақлаш вазири номига ариза ёздим. Вазирлик уни Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига жўнатади. Бошқарма бошлиғи жаноб Муслимовнинг вазирликка йўллаган жавоб хатида: “Ушбу операция тўр парда кўчиши, қон қуйилиши сингари ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қилинади ва унинг кўриш ўткирлиги пасайишига дахли йўқ” деб ўз ҳамкасбларини оқлайди. Профессор Юсуповга тегишли офис, беморларни қабул қилиш ва лицензион ҳақ-ҳуқуқларини текшириш ҳуқуқига эга эмасмиз, қабилида иш кўради. Мен эса айни у киши таърифлаётган операциядан сўнг тамоман кўр бўлиб қолдим.

Шифокорлар ўз хатоларини хаспўшлаш мақсадида, гўёки менда қандли диабет касаллиги мавжудлигини аввалдан билишганини, операция эса ана шуни ҳисобга олган ҳолда қилинганини зўр бериб такрорлашади. Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан сўраб-суриштириш бошлангач улар менинг касаллик тарихимга “Қандли-диабет” шифохонасида ҳисобга турганлигим, даволаниб келганлигимни тасдиқловчи сохта маълумотномани тиркашди. Мен эса бу касалга чалинмаганман ва шифохонага мурожаат қилмаганман. Буни эса вилоят эндокриналогия шифохонаси бош врачи С. Габченконинг 2005 йил 12 апрель куни берган маълумотномасидаги мана бу сўзлар ҳам тасдиқлайди: “Самарқанд шаҳар Гусаинова кўчаси 82-уйда истиқомат қилувчи Маллаев Қурбонали 1982 йилдан 2004 йилгача вилоят “Қандли-диабет” касалликлар шифохонасига мурожаат қилмаган, касалларни қайд қилиш китобида рўйхатга олинмаган ва унга ҳеч қанақанги ташхис қўйилмаган ҳамда даволанмаган”.

Адолатсизликка чидай олмай шаҳар, вилоят, Республика прокуратураси ва яна бир қанча нуфузли идораларга узлуксиз мурожаат қилаверганимдан сўнг шоввоз дўхтирларнинг саъйи-ҳаракати билан касаллик варақамда яна бир ташхис пайдо бўлиб қолибди. Бу менинг бошимдан жароҳат олиб, шаҳар марказий шифохонасига қарашли 4-сон поликлиникасида даволанганим тўғрисидаги иккинчи сохта маълумотнома эди. Менда эса поликлиника бош врачи М. Абдуллаева тақдим этган ҳақиқий маълумотнома бор. Унда ушбу поликлиника назоратида турганлигим, бироқ бирон дард билан мурожаат қилмаганлигим аниқ кўрсатилган.

Масаланинг қайси томонга қараб жиддийлашиб кетаётганини сезаётган бўлсангиз керак. Дарҳақиқат, улар соппа-соғ кишини ҳам ақлдан озганга чиқариб қўйишлари ҳеч гап эмасга ўхшайди.

Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ҳеч бўлмаса касаллигим бўйича нафақага чиқайин, ҳарна нон-чойимга ярар десам, мени операция қилган СамПИ клиникасидагилар ҳеч қандай ҳужжат беришмади. “Сен шикоятчисан, бор ўшалар ёрдам беришсин” деб ҳайдаб солишди. Энди додимни кимга айтаман? Ёзмаган, ёрдам сўрамаган идора қолмади ҳисоб.

Ниҳоят “Ҳуррият” мустақил газетасига ёзишга мажбур бўлдим. Дардимни ёзиб енгил тортарман, дедим. Ёзганларим бўйича мухбир томонидан суриштирув бошлаганидан сўнг эртаси куни вилоят Эндикринология шифохонаси бош шифокори С. Габченко мени такроран кўрикдан ўтказиш учун Тошкент шаҳридаги Эндикринология институтига олиб бориб кўзимни текширтириб кўрди. Йўл-йўлакай бош врач “Ҳуррият”дан ёзган аризаларимни қайтариб олишимни сўради. Агарда мен ўз хоҳишим билан аризамни қайтариб олсам гуманитар ташкилотлардан ёрдам сўраб, кўзларимни Екатринбург шаҳрида операция қилдиришлари мумкинлигини айтишди. Лекин мен бу гапга ишонмадим...”

Қурбонали аканинг дарди ҳам, гапи ҳам кўп. Ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, аризани адолатли ҳал этиш, унга узил-кесил якун ясаш ҳамон пайсалга солиниб келинмоқда. Кўп жойга мурожаат қилди, лекин бир хил жавоб: “А. Юсупов ва бошқаларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 83-моддаси 2-банди асосида жиноят иши қўзғатиш рад этилди”.

Ариза муаллифи ҳамон кўп ўринларда имзоси сохталаштирилганини, шифокорларнинг қалбаки маълумотномалар тайёрлашганини, операциядан олдин ҳақиқий аҳволни айтиб, розилиги олинмаганини, хусусий офис иши билан СамПИ клиникаси фаолияти аралашиб кетганини, ҳуқуқий идоралар бунга панжа орасидан қарашаётганини, уч йил деганда яхшилар ёрдамида баъзўр нафақага чиққанлигини зорланиб ёзишда давом этмоқда.

Фуқаро Маллаев томонидан аризада кўрсатилган важларнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида Самарқанд шаҳар прокурори номига хат билан мурожаат қилиб, унда “Қандли-диабет” шифохонаси ҳамда шаҳар 4-сон поликлиникаси маъмурияти томонидан Маллаев номига юргизилган амбулатор картасидан

**(Давоми 2-бетда)**

Дараклар

## ЁМОН ЎЛАТГА ҚАРШИ ЯХШИ МУКОФОТ

***Европа Иттифоқи дунё аҳли саломатлиги учун кундан-кун жиддий хавф туғдираётган қуш тумовига қарши самарали кураш олиб борган давлатлар учун 100 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишини маълум қилди.***



Брюссель Хитойда ўтказилиши лозим бўлган халқаро донорлар конференциясидан бироз олдин шу қарорга келди.

Маълумки, қуш тумови Евроиттифоқ ҳудудларига ҳам яқин келиб қолди. Туркияда тарқала бошлаган бу хавфли касалликка 18 киши чалиниб, шулардан уч нафари оламдан ўтди.

Европа мамлакатлари орасида паррандачилик соҳасида етакчилардан бўлган Франция касалликнинг кенг миқёсда тарқалиб кетмаслиги учун имкон даражасида ҳаракат қилмоқда. Бош вазир ўринбосари Доминик де Вильпен ҳозирда мамлакатнинг бир неча ҳудудлардагина қушларнинг учишини тақиқлаш борасида эришилган натижаларни яхшилашга, бундай ҳудудларни кенгайтиришга ҳаракат қилинаётганлигини маълум қилди. Парранда кўпайтириш соҳасида Европада иккинчи етакчи мамлакат Нидерландия эса Еврокомиссияга ўз ҳудудидаги барча паррандаларни эмлаш таклифи билан чиқди.

Туркияда тарқалган парранда вируси таркибини таҳлил этаётган олимларнинг билдиришича, бу ҳудудда аниқланган вируснинг таркиби Гонконгдагидан хавфлироқ экан.

Дунё бўйича 70 киши умрига зомин бўлган вируснинг хавфли H5N1 тури Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида аниқланмаганди. Аммо келгуси йилда Иттифоққа аъзо бўлишга тайёргарлик кўраётган Руминияда бу касаллик тури аниқланган.

## СУД РАИСИ ИСТЕЪФО БЕРМОҚЧИ

***Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган суд жараёнларига бошчилик қилиб келаётган судья Ризгор Омин ишдан бўшаш ҳақида ариза бермоқчи. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди.***

Агентлик судянинг бундай қарорга келишига сабаб бўлган омиллар хусусида изоҳ бермаган. Хабарларда фақатгина судья кейинги суд мажлисини ўтказиб, сўнгра лавозимидан кетиши ҳақида айтилган.

Келиб чиқиши курд миллатига мансуб бўлган Ризгор Омин кейинги пайтларда маҳаллий телеканаллар орқали тўғридан-тўғри олиб берилаётган суд жараёнлари туфайли мамлакатда барча танийдиган шахсга айланиб кетди. Саддам ва унинг энг яқин етти сафдошига қарши бошланган суд иши ўтган йилнинг 19 октябрь куни бошланганди. Навбатдаги суд мажлиси эса 24 январь кунига белгиланган.

## ПОЛИЦИЯ ҚУТҚАРИШГА БОТИНОЛМАДИ

***"BBCNews" тарқатган хабарларга қараганда, 12 январь куни Мино водийсида ҳаж зиёрати чоғида шайтонга тош отиш маросимидаги тиқилинчлар туфайли 362 киши шаҳид бўлган, 289 киши эса турли тан жароҳати олган.***



Мутасаддилар томонидан ҳаж зиёрати маросимига яхши тайёргарлик кўрилмаган, улар юз берган нохушликлар олдини олишолмади, деб қўйилган айбни Саудия Арабистони расмийлари инкор этишди. Мамлакат ички ишлар вазири генерал-майор Мансур ал-Туркий шу каби айбловларни инкор этаркан, агарда полициячилар тўполонни бостиришга фаол ҳаракат қилишганида ҳалок бўлганлар сони бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкинлигини айтган. «Мусулмонлар белгиланган тартиб-қоида бўйича ҳаж зиёратини адо этишни исташади. Бу жараённи бошқаришда полиция имкониятлари чекланган. Одамлар оқимини бошқаришга уриниш яна бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин» - дея воқеага изоҳ берган вазир Мансур ал-Туркий.

## ЧАВЕСНИНГ ОРЗУСИГА ТЎСҚИНЛИК

***АҚШ Венесуэлла давлати раҳбари Юго Чавеснинг Европада тайёрланган самолётлар сотиб олиш ҳақидаги орзусининг амалга ошишига тўсқинлик қилди. Испания томонидан амалга оширилиши кутилаётган 12 ҳарбий самолёт савдоси охирига етказилмади.***



2005 йилнинг ноябрь ойида икки мамлакат ўртасида ўн дона C-295 русумли юк ташиш ва икки дона CN-235 патрул самолётлари олди-сотди шартномаси имзоланганди. Аммо АҚШ вакиллари бу келишув Лотин Америкасидаги вазиятни салбий томонга ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, бу самолёт бортида америка ускуналари ўрнатилгани сабабли улар Венесуэлла ихтиёрига берилмаслиги лозим эканлигини эътироф этишган.

Европа аэрокосмик корпорацияси "EADS-CASA"нинг Испаниясидаги бўлинмаси вакилларининг маълумотича ҳозирда самолёт бортидаги америкача техник ускуналар европаники билан алмаштирилмоқда, агарда улар бунинг уддасидан чиқишмаса, икки мамлакат ўртасидаги келишув бекор қилинаркан.

**Азиза НАСРИДДИНОВА** тайёрлади.

Юбилей

# ТЕМУРИЙЛАР

***Ҳар қандай насабнома (гениология, родословие)да ягона умумийлик бўлган (масалан, хонлар, беклар, саййидлар, дегандек). Темурийлар насабномаси ҳақида гап кетганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги қайди эътиборли: "Ушбу тариққача Темурбекнинг авлодларини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди..." "Мирзо" сўзига баъзи луғатларда "Ота томонидан шаҳзода бўлғуси зот" (она томонидан шаҳзода эса — мирак) тарзида изоҳ берилган. Демак, исм-шарифлари келтирилаётган барча зотларга "Мирзо" нисбасини қўшиш жоиздир (бу ўринда ортиқча белгиларни кўпайтирмаслик учун "Мирзо" сўзи қўшилмади). Темурийлар исмига "Мирзо" қўшиб аташ жорий қилинган қатъий тартиб, инчунун, бизнинг муштарийларимиз ҳам бу талабни ҳисобга оладилар. Бобур юқоридаги қайдида давом этиб ёзади: "... ушбу навбат буюрдимки, мени подшоҳ дегайлар". Бу ҳам истисно тариқасида муомалада бор.***

**(Бошланиши ўтган сонда)**

1.2.3. САЪД ВАҚҚОС
1400 йил — 1418 йил, Озарбайжон.
Отаси — Пирмуҳаммад (1.2)
Онаси — Ўрдумулк
Мироншоҳ (3)нинг қизларидан бирига уйланган, малика оқила ва жасур бўлган. Қум вилоятининг ҳокими (1414 йил), С.В. Қора Юсуф тарафига ўтиб олган.
Умри — 19 йил.

1.2.4. ҚАЙСАР
1401 йил — 1427 йил.
Отаси — Пирмуҳаммад (1.2)
Онаси — Сабурсултон
Шоҳруҳ (4) саройида хизматда бўлган.
Умри — 27 йил.

1.2.5. БУЗАНЖАР
1402 йил — 1422 йил, август.
Отаси — Пирмуҳаммад (1.2)
Онаси — Сабурсултон
Шоҳруҳ саройида хизматда бўлган.
(Фарзанди-/1).
Умри — 21 йил.

1.2.6. ЖАҲОНГИР
1402 йил — 1433 йил.
Отаси — Пирмуҳаммад (1.2)
Онаси — Сабурсултон
Шоҳруҳ саройида хизматда бўлган.
(Фарзанди — 1/-).
Умри — 32 йил.

1.2.7. САНЖАР
1403 йил — 1429 йил.
Отаси — Пирмуҳаммад (1.2)
Онаси — Сабурсултон
Қайду (1.2.1.) саройида, сўнгра Ҳиротда, Шоҳруҳ мулозиматида (1418 йил).
(Фарзанди — 3/2).
Умри — 27 йил.

2. **УМАРШАЙХ**
Соҳибқироннинг Тўлин оқадан туғилган фарзанди, 1356 йил, Самарқанд — 1394 йил, Курдистон.
Ҳиндувон қалъасини эгаллаш (1370)да жасорат кўрсатган, Андижон ҳокими (1375), Форс ҳукмдори (1393 йил).
6 нафар ўғил қолган (12/5). Шаҳрисабзда дафн этилган.
Умри-39 йил.

2.1. ПИРМУҲАММАД
1379 йил — 1410 йил. Кермон.
Отаси — Умаршайх (2)
Онаси — Мулкат оқа
Форс ҳукмдори (1394-1400, 1403-1410).
Ўзи шарбатдорликдан амирлик даражасига кўтарган Хожа Ҳусайн сафарда заҳарлаб ўлдиради. Фарзанди — 2 ўғил (7/1).
Умри — 42 йил.

2.2. РУСТАМ
1381 йил — 1424 йил, Исфаҳон.
Отаси — Умаршайх (2)
Онаси — Қутлуғ Туркон оқа
Исфаҳон ҳокими (1405). Акаси Пирмуҳаммад(2.1)га қарши. Искандар (2.3)ни қатл этади. Ироқ ва Форс ҳукмдори (1415)
(Фарзанди — 2 ўғил (9/-).
Умри — 44 йил.

2.2.1 ПИРМУҲАММАД
Отаси — Рустам
Онаси — Маҳдумсултон
(Фарзандлари - 3/5)

2.2.2 СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН
Отаси — Рустам
Онаси — Маҳдумсултон
(Фарзандлари - 4/1)

2.3.ИСКАНДАР
1384 йил — 1415 йил.
Отаси — Умаршайх (2)
Онаси — Мулкат оқа.
Андижон (1399), Ҳамадон (1403) ҳокими. Жуда чалкаш ва қизиқ тақдир соҳиби. Ундан Пирали исмли ўғил қолган (1400-1415).
(Фарзандлари - 3/1).
Умри — 32 йил.

2.4. АҲМАД
1388 йил — 1425 йил, ҳажда.
Отаси — Умаршайх (2).
Онаси — Мулкат оқа
Шоҳруҳ (4) саройида, Фарғона ҳокими (1409). Улуғбек билан зиддиятлардан сўнг Қашқарга ўтиб кетади (1414). Шоҳруҳ даъвати билан қайтади ва шаробга ружў қўяди...
(Фарзандлари - 8/5).
Умри — 38 йил.

2.5. САЙДИ АҲМАД
1391 йил — 1429 йил.
Отаси — Умаршайх (2)
Онаси — Туғлуқсултон Жалойир
Шоҳруҳ (4) саройида. Шибирғон суюрғол қилинган. Шоир сифатида танилган. Девон тузган.
Фарзандлари — 2 ўғил.
Умри — 39 йил.

2.5.1. АҲМАД
1414 йил — 1498 йил, Ҳирот.
Отаси — Сайди Аҳмад (2.5)
Онаси — Оқабегим (Султон Ҳусайн (2.6.3.2)нинг кичик опаси).
Ҳусайн Хуросонни олгач, Ҳирот шаҳрининг доруғаси.
Умри — 85 йил.

2.5.1.1. МУҲАММАД СУЛТОН (Кичик Мирзо)
1458 йил — 1484 йил, ҳаждан сўнг.
Отаси — Аҳмад (2.5.1.)
Онаси — Хуршид оқа
Ақлли, билимдон йигит бўлганидан тоғаси Султон Ҳусайн (2.6.3.2) саройида соҳибихтиёр бўлган. Ёшлик ғурурига бориб, мавқеини йўқотади. Хожа Абдулло Ансорий мозоридан қайтишда шаҳаншоҳ (тоғаси)га одобсизлик қилгани учун Ихтиёриддин қалъасига ташланади...
(Фарзандлари-3/4).
Умри — 27 йил.

2.5.2. УСМОН
Сайди Аҳмад (2.5.)нинг ўғли, маълумот сақланмаган, фақат ундан Абдулбоқи (2.5.2.1.) исмли ўғил қолгани маълум. Унинг онаси оққўйли туркмонлардан экан. Шайбонийга қарши жангда (1507) ҳалок бўлган.

2.6. БОЙҚАРО
1393 йил — 1423 йил, Самарқанд.
Отаси — Умаршайх (2)
Онаси — Мулкат оқа.
Тароват ва жасоратда тенгсиз бўлган. Дастлаб Форс ўлкаси ҳукмдори (1412), сўнг бу жойларни Шоҳруҳ (4) эгаллайди. Шоҳруҳ 1414 йилда Ҳамадонни суюрғол қилиб беради. Искандар (2.3 )нинг қутқуси билан Шоҳруҳга қарши бориб, Шероздан Иброҳим Султон (4.2)ни қувиб чиқаради. Қайду (1.2.1)га суиқасд уюштиради. Улуғбек (4.1) фармони билан қатл этилади.
Фарзандлари — 3 ўғил (6/6).
Умри — 31 йил.

2.1.1. УМАРШАЙХ
1398 йил — 1429 йил, Ҳирот.
Отаси — Пирмуҳаммад (2.1)
Онаси — Нигор оқа
Исфаҳон ҳокими (1408). Искандар (2.3) хизматида. 1411 йилдан Шоҳруҳ саройида мулозим.
Умри — 32 йил.

2.1.2. СОЛИҲ
1406 йил — 1452 йил, Ҳирот.
Отаси — Пирмуҳаммад (2.1)
Онаси — Нигор оқа
Шоҳруҳ саройида мулозим. Абдуллатиф (4.1.4) га нисбатан кек сақларди.
Умри — 47 йил.

**Ҳаким САТТОРИЙ** тайёрлаган.
**(Давоми бор)**

Нигоҳ

## ЭРОН ЯДРОСИ ДУНЁ МУҲОКАМАСИДА



Эрон Ислом республикаси ўзининг ядро дастурини ривожлантириш йўлида дунё афкор оммасини ҳамкорликда иш олиб боришга чақирмоқда. Турли тортишувлар ва қарама-қаршиликлар муаммони ижобий ҳал қилиш учун етарли натижа бермаяпти. Ўтган ҳафта уран моддасини Россия ҳудудида бойитиб, сўнгра Эрон атом станцияларига жўнатиш ҳақидаги расмий Москва томонидан билдирилган таклиф ҳам рад этилди.

Ироқдан фарқли ўлароқ, Эрон Ислом республикаси атомни бойитиш дастурини ўз иқтисодий тараққиёти учун очиқ-ойдин амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Ўз навбатида Европа учлиги (Англия, Германия ва Франция) ҳамда АҚШ, Хитой, Россия давлатлари Эрон ядро уранига эга бўлса, дунё тинчлигига хавф солади, деган ташвиш билан Аҳмадинажот ҳукуматини бу йўлдан қайтаришга уринишмоқда.

Ўтган ҳафта АҚШга ташриф буюрган Германия канцлери Ангела Меркель ҳам Эрон ядроси борасида президент Буш билан ҳамфикр эканлигини билдирди. Аммо Гуантанамо маҳбуслар лагери билан боғлиқ масалада Меркель Бушга мухолиф фикр билдирган.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Буш маъмурияти Эрон ядро дастури муаммоси борасида Россия билан ҳам самарали музокаралар олиб бормоқда. АҚШ давлат департаменти матбуот хизмати раҳбари Шон Маккормак жума куни журналистлар учун ўтказган брифингда айтишича, Америка давлат котиби Кондолиза Райс бу муаммони РФ ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан телефон орқали муҳокама қилган. Бундан ташқари К. Райс Хитой ТИВ Ли Чжаосик билан ҳам бу борада музокара олиб борган. Буларнинг барчаси МАГАТЭ бошқарув Кенгаши мажлисини ўтказиш ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бу муаммо бўйича қандай ҳаракат олиб боришни белгилаб бериши олдидан олиб борилаётган консультацион жараёнидир. "Агарда халқаро ҳамжамият баҳамжиҳат иш олиб бориб расмий Теҳронга аниқ ва мақбул сигнал юборса, шундагина Эрон ядро дастури муаммоси дипломатик йўл билан ҳал қилиниши мумкин бўлади" — дея таъкидлади Маккормак.

Жума куни Хитойнинг БМТдаги расмий вакили Ван Гуанья томонининг билдиргисидан сўнг, Оқ уй жиддий безовталанишга тушди. Расмий Пекиннинг фикрига кўра, Эрон ядро дастури БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига топшириладиган бўлса, бу муаммо янада қийинлашиши мумкин. Хитой дунёнинг бошқа йирик тўрт давлати билан бир қаторда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бўлиб, Теҳронга қарши санкция қўллаш ваколатига эга.

Маккормакнинг сўзларига қараганда, АҚШ давлат котиби ўринбосари Николас Бернс шу ҳафтада Лондонда Россия, Хитой, Буюк Британия, Франция ва ГФР вакиллари билан МАГАТЭ бошқарув кенгаши мажлисини чақириш борасида музокара олиб боради.

МАГАТЭ штаб квартираси жойлашган Венага Кондолиза Райснинг бошқа ўринбосари Роберт Жозеф юборилиши мўлжалланмоқда. Россия БМТ бўйича вакили Андрей Денисов ҳам бу учрашув ҳақида Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги орқали хабар берган. Унинг сўзларига қараганда олти давлатнинг юқори мартабали вакиллари Лондонда Эрон ўзининг ядро объектларидан МАГАТЭ муҳрларини кўчириб ташлангандан кейин қандай чора кўрилиши кераклиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Россия Эрон муаммоси МАГАТЭ доирасидан чиқиб кетган тақдирда БМТ Хавфсизлик Кенгашига топширишни истисно қилмади. Ҳозирда МАГАТЭ инспекторлари томонидан назорат қилиб турилган ядро тадқиқотлари кейинчалик назоратсиз қолиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

**Шахноза ИСМАТОВА** тайёрлади

ММMда

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ АНЪАНАЛАР МАМЛАКАТИДА

***Курашни халқимиз азалий анъаналаридан юқори қўйиб, қадрият сифатида қадрлайдилар. Энди курашимиз анъаналар мамлакатидан умуминсоний қадрият сифатида дунё халқлари томонидан қадрланади.***

Янги йилда Миллий матбуот маркази эшикларини биринчи бўлиб Кураш Халқаро Ассоциацияси (КХА) очди.

6 январь куни бўлиб ўтган ушбу матбуот анжуманида КХА расмий вакиллари ва маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар иштирок этишди. Анжуманда биринчи бўлиб сўз олган КХА бош котиби Умид Ёқубов 2005 йилда ўтказилган кураш мусобақалари ҳақида тўхталиб, жумладан шундай дейди, халқимизнинг азалий қадрияти бўлган курашимизнинг дунёвий тараққиётида 2005 йил муҳим босқич бўлиб тарих саҳифаларидан жой олди. КХА тақвимидан жой олган асосий муҳим тадбирларнинг ўтказилиши ҳамда бир қатор муҳим учрашувлар курашнинг жаҳондаги обрўйини янада оширди. Ўтган йили май ойида Халқаро Олимпиа қўмитасининг "Олимпия" музейида бошланган кўргазма курашимиз тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида нафақат дунё спорт жамоатчилигига балким, дунё халқларига ҳам ахборот етказмоқда. Йилнинг энг муҳим учрашуви эса ХОҚ Президенти Жаг Рогги жаноблари билан КХА Президентининг учрашуви бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу учрашув кураш спорти учун янги жабҳаларни очди. Кураш эндиликда дунё болаларига дарс сифатида кенг ўргатилмоқда. "Олимпия" музейи раҳбарияти ташаббуси билан 3 та — инглиз, француз ва немис тилларида факультатив дарслар ташкил этилди.

Европада ўтилаётган бу дарслардан интернет тизими орқали сабоқ олаётган дунё болалари ҳам ўзбек кураши дарсларида бевосита иштирок этадилар. Ўқув дастурлари бўйича шахсий дисклар чиқарилди. Бунда кураш тарихи, мустақиллик йилларидаги курашнинг ривожланиши, дунёга чиқиши ва ҳозирги куни ҳақида тўлиқ маълумот келтирилган. Бу дисклар Европа давлатлари орқали бутун дунёга тарқатилади. Айниқса, кураш қоидаларидаги "Ҳалол", "Таъзим", "Ёнбош" каби ўзбек сўзларининг маънолари ўқувчиларга чуқур тушунтирилиб борилган.

Айниқса, 26-27 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган V-Жаҳон чемпионатида дунёнинг 60 дан ортиқ давлатларидан келган полвонлар иштирок этиб, курашимиз довруғини яна бир карра дунёга таратди.

Бундан ташқари, КХА бош котиби Умид Ёқубов, 2006 йил мусобақалари 26-30 январь кунлари Буюк Британия ва Грецияда анъанавий ўтказилиб келинаётган "Ислом Каримов" турнирлари бошлаб бериши ҳақида ахборот берди.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ**

Мутойиба

## ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ

Қовун сўйса бўладиган силлиқ дазмолланган шим кийган йигит ўртага чиқди.
**(Дугоналар суҳбати)**

Бир қошиқ сувминан ютадиган мендек аканг бор, сираям қайғурма!
**(Аканинг сингилга дегани)**

Доҳунда шундай қаҳрамонки, сувга тушса ҳам, ўтга тушса ҳам бутун чиқади. Ҳайвонга ўхшаган думи, одамга ўхшаган ёқаси йўққи, маҳкам ушлаб эшикка чиқсанг!
**(Адабиёт муаллимининг гапи)**

Юмшоққина тун киши хаёлини олиб қочгудек сокин!
**(Ёш қаламкаш машқи)**

Шиша ўлгур шунақа кучли дорики, ҳар қандай доғларни ювиб кетади.
**(Улфатлар гурунгидан)**

Калитдай қотма киши минбарга энгашиб чуқур бир энсаб олгач, титроқ қўллари билан кўса иягини силаб қўйиб, "Уйқу ва туш" мавзусидаги маърузасини бошлаб юборди.
**(Газетадаги ахборотдан)**

Бўйи икки метрча келадиган қиз боладек чиройли йигит ўзи бир қарич келадиган қирра бурни манишкага тегай деб турган синчалакдек котибага гап отди.
**(Ҳаваскор ёзувчи ҳикоясидан)**

Баъзан ақл ўргатадиган бир жилд китобнинг ишини яримта ароқ бажариши мумкин.
**(Жўралар суҳбатидан)**

Ажабо, улар бир-бирига қанчалик яқин бўлса, шунчалик узоқ!
**(Ёш шоир ҳайрати)**

Юсуф ҳаётида илк мартаба юрак ютиб гўзал, латофатли аёлга қарагандай қаради...
**(Йигитлар суҳбати)**

Йиғидан порлаган кўзларидан шодумонлик сезилиб турарди.
**(Ошиқ йигит гапи)**

Бахтли бўлмоқчимисиз, унда бахтли инсонлар ролини ўйнанг. Эрталаб ишга кетаётиб бир зум кўзгуга табассум билан боқинг.
**(Мунажжимлар башоратидан)**

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**

Ҳиммат

## ЯШАНГ, ДОКТОР ХОНГ!

Яқин бир танишим бор. Саксонинчи йилларда пахта заводида ишларди. Зуғумнинг зўрлигиданми, пахта мавсуми пайтида ҳафталаб, ойлаб уйига келмай қоларди. Ўша йиллари фалокат содир бўлиб, пахта ортгичнинг айланасига қўли тегиб кетгану, ҳалигинининг парраги тирсагидан чўрт узиб ташлаганди. Оиласининг бахтига ўзи омон қолди-ю, бир қўлдан ажради. Анча бўлганди кўришмаганимизга, қайси куни ишхонага қидириб кеп қоптилар. Саломлашдик. Ўтган-кетгандан гурунглашдик. Қарасам бироз ийманиброқ турибдилар. Сўрасам ноқулай бўлмасмикан, деб ўйлаб турувдим, гап очиб қолдилар. "Ўзингиз биласиз ука. Оила-рўзғор ташвиши. Қиз чиқаришим, ўғилни уйлантиришим керак. Э-э, хуллас гапирсам гап кўп. Ўйламанг, акам пул сўраб кепти деб. Асло. Шукр. Болаларим ёнимга кирган. Камчилик йўқ ҳисоб. Фақат манави қурғур...", деб протез қўлларини уриб қўйди. Нима гаплигини сўрасам, протез қўйилган қўлда шиш пайдо бўлиб анчагина қийнаб қўйипти. Хизмат юзасидан жамиятга мурожаат қиладиган ногирон кишиларнинг бирини дўхтирга кўрсатиш, бошқасини эса касалхонага жойлаштириш каби юмушлар туфайли анча-мунча жойни билиб қолганман. Танишимни машинага ўтқазиб дарагини эшитганим америкалик Роналд Хонг деган протезчиникига олиб бордим. Уни менга маслаҳат берганлар дўхтирнинг яхши мутахассис эканини айтишганди. Борганимизда бизни ним табассум билан адл қоматли бир киши кутиб олди. Биз билан эски қадрдонлардек қуюқ сўрашди. Хонасидаги электр самоварчасидан қаҳва дамлаб узатди. Унга нима мақсадда келганимизни айтдик. У бизни қўшни хонага бошлади. Танишимнинг протез қўлини авайлаб ечиб олди. Шишган жойларини обдон текширди. Қўлидаги қоғозга бир нарсаларни белгилаб қўйди. Кейин ҳамшира қизни чақириб, унга нима қилиш кераклигини тушунтирди. Бизга қараб уч-тўрт келиб кетишга имконимиз бор-йўқлиги билан қизиқди. Тасдиқдан кейин яна хонасига бошлаб кириб тушунтира бошлади. Танишимнинг протез қўли эски, шўро технологияси бўйича ясалгани, унинг бироз қўпол ва оғирлигини, шунингдек, материали ҳам анчагина нобоплигини тушунтирди. Дарвоқе, танишим бундан олдин бир-икки дўхтирга учрашганда улар гангрена (қорасон) бошланганини ва кесмаса бўлмаслигини айтишган экан. (Танишимнинг хомушлигини энди тушунгандек бўлгандим). Хуллас, доктор Хонг учтўрт кун муолажа қилишини айтди. Танишимнинг чеҳраси ёришиб, юзига қон югурди. Ёш боладек қувониб "Қўлимни кесмайсизми?", деб сўради. Хонг қаҳ-қаҳ отиб кулиб, "Мен қўл кесмайман. Аксинча қўл ясайман", деди. Ҳамшира кириб докторга бир мижоз келганини айтди. Хонг узр сўраб, муолажа хонасига чиқиб кетди. Қизиқиб орқасидан бордим. Столда тайёр "қўл" ва "оёқ"лар устига оппоқ чойшаб ёпиб қўйилган эди. Хонг менга ишора қилиб, ўтиришга изн берди. Келган кишининг нақ елкасидан қўли кесилган экан. Доктор енгилгина ҳаракат билан тайёр протезни унинг елкасига ўрнатди. Кийинишга ижозат бериб қўлларини ювди. "Бу киши ҳам ўн беш-йигирма кун олдин танишингиздек елкасида шиш пайдо бўлгани, оғриқ зўраётганидан шикоят қилиб келганди. Протезини ечиб, бошқатдан йиғдим. Унча-мунча деталларининг ўрнига ўзим ихтиро қилган мурватларни қўйдим. Оғир ва қўпол темир асосларини енгил, аммо пишиқ пластикка алмаштирдим. Энди протез халақит ҳам бермайди, оғритмайдиям". Шу баҳонада бу дилкаш киши билан суҳбат бошланиб кетди. Доктор Роналд Девук Хонг асли Кореяда туғилгани, 1962 йил Сеулнинг Данкук университетини тугатгани ва тақдир тақозоси билан 1969 йили АҚШга кўчиб ўтганини айтиб берди. АҚШнинг Детройт, Мичиган ва Ротчестр клиникаларида ортопед (ўзбекча синиқчи бўлса керак) протезчи бўлиб ишлаган экан. Тиниб-тинчимас қария (айтаяпману, уялиб кетяпман, ёши етмишдан ошган Хонгнинг ҳаракатлари ўттиз-ўттиз беш ёшдаги йигитникидан қолишмайди) 1994 йили Ўзбекистонга келибди. "Ўзбеклар корейсларга жуда ўхшар экан. Ўзбеклардаги меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат каби юксак туйғуларни ғарбда учратмайсиз. Ўзбекистонни яхши кўриб қолдим. Америкада уч қизим бор. Оилам, болаларим ҳар гал хатларида "дада, келақолинг энди", деб ёзишади. Тўғриси, насибам қўшилган дамгача бу юртда қолишга қарор қилганман. Бунинг устига бошлаб қўйган анча ишларим бор. Ҳали айтганимдек, ўзим ихтиро қилган, ҳарқалай ҳозиргача ҳеч ким шикоят қилмаган протез ясаш услубим бор. Бу ерда ҳам бир қанча шогирдларни услубим бўйича ўқитяпман. Уларга ўзим билган кўпгина нарсаларни ўргатишга улгуришим керак. Умуман қиладиган ишлар ҳали кўп", дейди доктор Хонг.



Доктор Хонг билан гурунглашиб ўтириб қаерда ишлашим, жамиятимизга ҳам кўплаб ногиронларнинг мурожаат қилиши, уларнинг оғирини бирозга бўлса ҳам енгиллаштириш учун югур-югурларимиздан гапириб бердим. Табибнинг камтарлигига ҳавас қилса арзир экан. Чунончи, биргина ўтган 2005 йил давомида доктор 150 яқин протезни таъмирлабди. 19 та умуртқа протези, 17 та тўпиқ ва иккита қўл протези ясабди, ногиронларнинг қимматбаҳо саккиз дона аравачасини беғараз ёрдам сифатида олиб берибди.

Суҳбатимиз адоғида чаққон-чаққон ишлаб турган доктор менга қараб, "Менинг ўзим ҳам аслида ногиронман", деб қолди. Очиғи ишонмадим. Буни кўриб Хонг чап оёғини хиёл очиб кўрсатди. Ё тавба! Етмишдан ошган, бунинг устига бир оёғи протез инсоннинг ғайрати, ҳаракатларининг бу қадар тийрак бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Хаёлларимни ўқигандек доктор Хонг "Азизим, бунга сабаб менинг ҳаётни яхши кўришим ва мақсадни тўғри қўйганим бўлса керак", деди.

Докторнинг ҳузуридан чиққанимда тунда ёққан қор саҳий ўзбек қуёши нурида камалакдек жилоланарди. Кўксимни тўлдириб-тўлдириб нафас олдим. Ҳиммат, иймон миллат танламаслигини доктор Хонг тимсолида кўргандек эдим.

Айтмоқчи, доктор Хонг уч кунда танишимнинг протезини очиб, бошқатдан, енгил материаллардан йиғиб, тўлиқ таъмирлаб берди. Муолажа тайинлаб шишган ва оғриётган жойларга малҳам қўйиб даволади. Пул тўлаймиз десак "Буни ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги совғам деб қабул қилинглар" деди.

**Ислом СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Ногиронлар жамияти матбуот котиби**

